O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 17 февраль, № 35 (4188) Шанба

Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан дадил борайлик

Бугун йўлингиз тушиб, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасига ўтсангиз, катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўласиз. Ёшлар билан гавжум бу ҳудуд аввалги кўринишини тубдан ўзгартирган. Барча шарт-шароитлари муҳайё шаҳарчада ёшлар қунт билан таҳсил олишмоқда, талабалар замонавий турар жойларда истиқомат қилишмоқда. Буларнинг бари Юртбошимизнинг ёшларга бўлган ғамхўрликлари маҳсулидир.

«ЁШЛИК» БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ

Шаҳарчага кириб борар эканмиз, кўркам арчаларнинг ифори ўзгача тароват бағишлаётганини ҳис қилдик. Шаҳарча ҳудудидаги 26 та ўқув муассасасида 41 мингдан кўпроқ талаба ва ўқувчилар таълим олмоқдалар. Агарда талабалар турар жойига кириб қолсангиз, қулай имкониятлардан ҳайратингиз бир карра ошади. Хоналар шинам, барча қулайликлар мужассам...

Хабарингиз бор, жорий йилда пойтахтимизда «Универсиада—2007» спорт мусобақалари ўтказилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университетида спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол, баскетбол майдончалари қайта таъмирланиши билан бирга, иккита гимнастика зали ва иккита ёпиқ сув спорти саройи янгитдан барпо этилди.

Ўзбекистон Миллий университетига қарашли сув спорти саройи Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрамига муносиб совға бўлганди. Ҳозирда мазкур спорт мажмуасида талабалар жадвал асосида машғулотларда қатнашмоқдалар. Бўйи 50, эни 21 метр бўлган ҳовуз зилол сув билан тўлдирилган. 2,5 метр чуқурликдаги, 8 йўлкадан иборат ҳавзада сув спортининг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин.

— Испания ва Туркия технологияси асосида яратилган 6 дона фильтрлаш ускунаси ўрнатилди, —дейди сув спорти саройи директори Чори Саидов. — Ҳавза 2150 тонна сув ҳажмига эга. Ундаги сувни бир йилгача алмаштирмасдан ишлатиш мумкин. Ҳафтада икки марта мутахассислар сувнинг тозалигини назоратда ўтказиб туришибди. Бу ерда ўтадиган мусобақаларни кузатиш учун 200 ўринга мўлжалланган жой мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, пойтахтимизда халқаро мусобақаларни ўтказиш талабларига жавоб берадиган яна бир замонавий сув спорти саройи ишга тушди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Исон Мустафоев бельгияликлар қироли Альберт иккинчига ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, маданий ҳамда гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бельгияликлар қироли Альберт II Ўзбекистон – Бельгия муносабатлари даражасини ижобий баҳолар экан, улар барча соҳаларда муваффақият билан ривожланишига умид билдирди.

Суҳбат чоғида қирол Альберт II чин дилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳамда Ўзбекистон халқига фаровонлик ва муваффақиятлар тилади.

«Жаҳон» АА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ролини кучайтиришга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Уни мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 23 январда қабул қилган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ва унда 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўламини янада кенгайтириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар белгиланганги таъкидланди. Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги ишларни изчил амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, айниқса, беқиёс экани қайд этилди.

Юртимизда амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб бўғини бўлган маҳалланинг бугунги кундаги ролини ошириш, бунинг учун унинг қонуний асосдаги ваколатларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳозир республикамизда 9 минг 941 фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг ночор қатламлари — муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш борасида маҳаллаларнинг роли тобора ошиб бораяпти.

Ижтимоий ҳимоя тизимидаги самарадорликни ошириш жойларда ишсизлик муаммосини ҳал этиш масаласи ҳам долзарб вазифалардандир. Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш — ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидандир. Шу боис бугунги кунда қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида фермерлик, тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини кенг йўлга қўйишга эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу жараёнда маҳалланинг ташаббускор ва ташкилотчи бўлаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Анжуманда мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид ўттиздан зиёд қонун яратилиб, амалиётда кенг қўлланилаётгани қайд этилди. Бу соҳада ҳаёт тақозо этаётган янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Голиб бўлиш осонмас

Жиззахда Президентимиз соврини учун аньанавий «Ташаббус-2007» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичи иштирокчиси — «Уста-шогирд» мактаби раҳбари, ҳунарманд Садоқат Йўлдошева жамоаси шиша мунчоқлардан 20 дан зиёд буюм тайёрлади. Биргина ўтган йилнинг ўзида салкам 40 та иш ўрни яратиб, юздан ортиқ шогирд етиштирди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турли кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этилган ушбу аёлни ҳайъат аъзолари «Энг яхши ҳунарманд» деб топишди.

Кўрик-танловнинг «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича соҳанинг ҳадисини олган Ёқубжон Ҳакимов ғолиб чиқди. У етакчилик қилаётган Жиззах туманидаги «Чақмоқ» фермер хўжалиги меҳнат ютуқлари билан шундай шарафга муяссар бўлди.

Ғаллаорол туманидаги «Манзура Ишатова» хусусий корхонаси раҳбари М. Ишатова эса «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. Энди у ҳам «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиблик учун беллашади.

Шунингдек, кўрик-танловда 10 дан зиёд номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, мутасаддилар томонидан рағбатлантирилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Японияда чоп этиладиган «Дэйли Ёмиури» ва «Асахи» газеталарида МДҲ мамлакатларининг талабалари ўртасидаги япон тили бўйича халқаро танлов ғолиби, Фарғона давлат университети талабаси Асрор Мўминов ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар босилиб чиқди. Юртдошимиз яқинда Кунчиқар мамлакатда бўлиб қайтган эди.

«Норико» — дўстлик кўприги

Япон газеталарида ёзилишича, Токио ва Киото шаҳарларида ўзбекистонлик талаба билан турли учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда юртдошимизнинг япон тилида эркин ва равон сўзлагани маҳаллий аҳоли вакилларининг қизиқиши ва ҳурматини янада оширди.

Японияга ҳар йили дунёнинг қатор мамлакатларидан турли дастурларнинг ғолиблари ва стипендиатлари сифатида кўплаб талабалар келишади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳақида нуфузли газеталар саҳифаларида мақолалар чоп этилмаслиги тушунарли ҳолдир. Хўш, гап нимада ўзи, деган саволнинг туғилиши табиий.

Япон жамоатчилиги юртдошимизга алоҳида қизиқиш билдирганининг сабаби А.Мўминов Риштон шаҳридаги «Норико» япон мактабининг илк битирувчиларидан бири эканлиги билан изоҳланади. Мана етти йилдан бери «Норико» республикамизнинг Риштон тумани ва Япония ўртасидаги ўзига хос дўстлик кўприги вазифасини бажариб келади.

... Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари авжига чиққан кезлари республикамизга «Коматцу Сэйсакудзё» компанияси инженер-механиги Шигекацу Озаки келди. Табиатан самимий ва саховатли Шигекацу тезда маҳаллий аҳоли билан киришиб кетди.

У халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини қизиқиш билан ўрганиб, мактабларда маърузалар ўқиб юрган пайти маҳаллий ўқувчиларда япон тили ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқишни кўриб, Риштонда япон тили мактабини қуришга қарор қилди. Шигекацу рафиқаси билан бу мақсад йўлида ўзларининг ҳисобидан 30 минг АҚШ доллари сарфлашди.

1999 йили фойдаланишга топширилган бу янги мактабга Шигекацу Озакининг рафиқаси шарафига «Норико» номи берилган, 2001 йили Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси учун Шигекацу Озаки Риштон шаҳрининг фахрий фуқароси унвонига сазовор бўлган эди.

Шу тариқа япониялик камтарин инженер ўзидан бебаҳо ёдгорлик — «Норико» мактабини қолдирди. Шу кунга қадар ўнлаб ўзбек ўғил-қизлари икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик кўприги бўлиб қолган бу мактабни битириб чиқдилар.

«...Асрор Мўминов Японияга келганидан сўнг Норико Озаки билан учрашди. Устоз ва шогирд ўртасидаги илиқ ва самимий суҳбат чоғида Асрор Японияда ўқишни давом эттириш, туғилиб ўсган мамлакати ривожига ўзининг камтарин ҳиссасини қўшиш ниятида эканини айтди», деб ёзади нашр.

А. ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Токио.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида кам таъминланган оилалар вакилларини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда элликдан зиёд ташкилот, корхона ва фермер хўжаликлари 130 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу куни тоғли туманда юзга яқин талабгор муқим ва даромадли иш билан таъминланди.

— Ўтган йили айни шу мақсадда тўрт марта меҳнат ярмаркаси ўтказилган ва уч юздан зиёд киши ишли бўлган эди, — дейди туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Зиёдулла Норов. — Бу галги ярмаркада амнистия туфайли жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган шахсларни ҳам ишга жойлаштиришга эътибор қаратдик.

ЖАМҒАРМАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор ва масъулият билан қаралади. Ўзбекистон Болалар жамғармасининг Сирдарё вилоят бўлими ҳам бу борада сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

Жамғарма вилоят халқ таълими бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда "Соғлом турмуш тарзи", "Биз тинчлик истаймиз", "Маҳалла — оила — мактаб" мавзуларида қишлоқ ёшлари билан давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ва турли танловлар ўтказмоқда.

Яқинда ЮНИСЕФ — халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Сайхунобод туманида тикувчилик, макарон маҳсулотлари ва музқаймоқ ишлаб чиқариш цехларини ўз ичига олган "Болалар-2005" корхонаси ишга туширилди. Бу билан 20 дан зиёд қишлоқ ёшлари ишли бўлди.

Ишлаб чиқаришдан олинадиган даромад эса кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбирлари.

ЭШИТДИНГИЗМИ ?

Канаданинг «D-Wave» компанияси ҳомийлигида жуда кам энергия сарфлайдиган ва механик тизим асосида ишлайдиган, бир пайтнинг ўзида 64 минг операцияни бажарадиган компьютер кашф этилди. Экспертлар мазкур компьютернинг яратилиши ушбу соҳа ривожланишини 30 йилга илгарилашига олиб келганини ва фан-технологияда янги давр бошланганлигини эътироф этишмоқда.

2007 йилда

Ялпи ички маҳсулот ўсиши 7,7%

Саноат ишлаб чиқариши 7,8%

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5%

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми 25,5%

Кўпайтириш белгиланган

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ КЕЛАЖАККА ИШОНЧИ МУСТАҲКАМ

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон аҳолиси томонидан қандай баҳоланаётганини аниқлаш мақсадида барча ҳудудларда мунтазам сўров ўтказиб келмоқда. Навбатдаги "Ўзбекистон: жамоатчилик фикри-2006" ижтимоий тадқиқоти 2006 йилда республикамизни ривожлантириш якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланди.

Марказ томонидан 1998-2006 йилларда ўтказилган сўровларнинг қиёсий натижалари республикамиз фуқаролари мамлакат ижтимоий-иқтисодий аҳволини ижобий баҳолаши барқарор эканлигидан далолат беради. Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти мамлакатимиздаги аҳволни яхши ва барқарор деб баҳоламоқда. Сўровда қатнашганларнинг ярми иқтисодий ислоҳотлар бир маромда амалга оширилмоқда, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда қарор топган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик жамоатчилик фикрининг шаклланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Барқарорлик — Ўзбекистон мустақиллик йилларида қўлга киритган энг асосий ютуқ эканига республикамиз аҳолисининг ишончи комил.

Жамоатчилик фикрига кўра, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар ҳамда фермерларнинг эркин фаолият юритиши учун иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қулай шарт-шароит яратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 февралдаги 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бундай шароитларни яратиш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини астасекин камайтириш мамлакатимизда туб иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги асосий устувор вазифа эканини таъкидлади.

Босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги ва аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсат Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат халқ манфаати йўлида амалга оширилаётгани ва мамлакат раҳбарияти аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳани биргаликда ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганига бўлган ишончини янада кучайтирмоқда. ***"Мамлакатимизда ўтган йили эришилган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши оилангиз моддий аҳволига таъсир кўрсатдими?"*** деган саволга сўровда иштирок этганларнинг аксарият кўпчилиги ижобий жавоб берди.

Сўров натижалари амалга оширилаётган ислоҳотлар оила фаровонлигига бевосита ва ижобий таъсир этаётганини кўрсатди. Бу эса ўрта синф янада ривожланиши ва иқтисодиётимизнинг умумий турмуш даражасини ошириш учун асос бўла оладиган барқарор имкониятлари анча мустаҳкамлаганидан далолат беради. Фуқароларнинг фикрича, бунда Юртбошимизнинг аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, республика аҳолисининг иқтисодий фаолияти ҳамда даромади ҳажмини ошириш бўйича аниқ йўналтирилган сиёсати муҳим ўрин тутади. 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатишнинг аҳамияти ҳам ортади.

2006 йилда Ўзбекистон фуқаролари турмуш даражаси ва даромадини ошириш асосини иқтисодиёт, барқарор ва ўзаро уйғун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мустаҳкам ўсиш суръатларини таъминлаш, хорижий сармояларни жалб қилиш учун зарур шароитлар яратиш, хусусий мулк секторини кенгайтириш борасидаги ишлар ташкил этди. Ўтказилган сўров натижасида аҳолининг пул жамғаришга интилаётгани маълум бўлди. Бу эса, фуқаролар даромади ошганлиги ҳамда уларнинг миллий валютамиз барқарорлигига бўлган ишончи ортганидан дарак беради.

Кундалик эҳтиёж воситалари билан таъминланганлик даражасининг ошгани ҳам фуқароларимиз турмуш даражаси яхшиланиб бораётганидан далолатдир. Телевизор, музлатгич, радио бугунги кунда энг кўп сотиб олинаётган товарлар ҳисобланади. Ҳар тўртинчи оилада автомобиль бор.

Ижтимоий ҳимоя йилида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари аҳолисини замонавий коммунал хизматлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Фуқароларнинг фикрича, аксарият ҳамюртларимиз электр энергияси ва табиий газдан узлуксиз фойдаланиш имкониятига эга. Айни пайтда сўров шуни кўрсатдики, қишлоқ аҳолисининг катта қисми учун ҳовли ва хонадонларда тоза ичимлик сув ҳамда ҳаммомнинг йўқлиги муаммолигича қолмоқда.

Шунингдек, ижтимоий сўров давомида фуқароларнинг миграция масаласи бўйича фикри ҳам аниқланди. Сўровда қатнашганларнинг кўпчилиги Ўзбекистондан бошқа мамлакатга доимий яшаш учун кетиш ниятти йўқлигини билдирди. Бу республикамизда яшаш учун қулай ижтимоий-иқтисодий шароит яратилганини кўрсатади.

Иқтисодиётдаги ислоҳотлар одамлар кутган натижаларни бермоқда. Сўров маълумотларига кўра, Ўзбекистон фуқаролари келажакка ишонч билан қарайди ва турмуш даражасининг янада яхшиланиши, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда демократлаштириш жараёнининг ривожланишига ишонади. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, юртдошларимизнинг ижтимоий кайфиятида ижобий баҳо устувор ўрин эгалламоқда. Бу эса, жамиятдаги аҳволнинг барқарорлигидан дарак беради. **Шундай қилиб, сўров ўзбекистонликлар 2006 йилни ишончли ва оптимистик рухда ўтказганини намоён этди. Бу 2007 йил учун яхши имкониятлар яратади.**

Бозор иқтисодиёти ва демократик ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг жадал ўсиши ва аҳоли турмуш даражасини мунтазам ошириш мамлакатимизнинг янада янгиланиш ҳамда барқарор ривожланиш йўлида ишончли ҳаракат қилиши учун зарур пойдевор яратди. Ушбу ижобий ўзгаришлар жамоатчилик фикрига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Республикамиз аҳолиси Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Аксарият фуқаролар Президент Ислом Каримовни мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг асосий кафолати деб билади, жамиятимизнинг барча жабҳаларидаги ислоҳотлар ҳамда модернизациялашнинг муваффақиятига қатъий ишонади.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари бўйича ЎзА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.

Навоий вилоятининг Кармана туманида сўнгги йилларда кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги, замонавий иншоотлар туман кўркига кўрк қўшмоқда.

НУРОНИЙЛАР ЧОЙХОНАСИ

Яқинда Қосим Шайх тарихий мажмуаси билан тутташиб кетган "Хотира майдони" ҳудудида "Зарафшон" нуронийлар чойхонаси ишга тушди. Замонавий ва кўҳна Шарқ меъморлиги анъаналари асосида қурилган чойхонада отахонларнинг ҳордиқ чиқариши учун барча шароит муҳайё этилган.

Мазкур чойхонани карманалик тадбиркор Бахтиёр Қобилов «Пахтабанк» ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят бошқармаларидан олган 35 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобидан қурди. Иншоотнинг ён-атрофига турли дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Чиройли фавворалар бунёд этилди.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.

ИПОТЕКА КРЕДИТИ ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сўраган эдингиз

Газетхонлар саволларига республика Марказий банкининг Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори Ҳайдар НУРМУРОТОВ жавоб беради.

Улуғбек УМАРОВ (Чиноз тумани):

— Иптотека кредити олмоқчи эдим. Мабодо олсам, уни қанча муддатда қайтараман?

Жавоб: — Ипотека кредитининг муддати ушбу кредит қайси манба ҳисобидан берилишига боғлиқ. Мисол учун, ипотека кредитини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар 15 йилдан кам бўлмаган муддатга ажратилади. Тижорат банкларининг ўз маблағлари ва улар томонидан жалб этилган ресурслари ҳисобидан бериладиган ипотека кредитларининг муддати эса банк билан қарз олувчи ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланади.

Бундан ташқари, халқаро ва хорижий молия институтларининг кредит линиялари, шу жумладан, имтиёзли кредит линиялари, грантлар ва бошқа инвестициялари ҳисобидан бериладиган ипотека кредитларининг муддати эса тижорат банки ва ушбу халқаро молиявий институтлар ўртасида тузилган шартномалар асосида аниқланади.

Ипотека кредитини олган шахс кредит учун ҳисобланган фоизларни ва кредит бўйича асосий қарз қолдиғини банкка муддатидан олдин исталган вақтда қайтариш ҳуқуқига эга.

Оллоназар ШЕРМАТОВ (Урганч шаҳри):

— Ипотека кредити миқдори, яъни суммаси чекланганми?

Жавоб: — Ипотека кредитини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш учун кредит энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баравари миқдоригача, якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, якка тартибдаги уй-жой ҳамда кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун кредит энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача бўлган миқдорда берилади.

Тижорат банкининг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека кредити миқдори банк ва қарз олувчи ўртасида имзоланадиган кредит шартномасига кўра белгиланади. Бунда кредит миқдори, албатта, қуриладиган якка тартибдаги уй-жой ёки реконструкция қилинадиган уй-жой лойиҳа-смета қийматига ёхуд сотиб олинаётган якка тартибдаги уй-жой ва кўп квартирали уйдаги квартира қийматига боғлиқ бўлади.

Халқаро ва хорижий молия институтларининг кредит линиялари, шу жумладан, имтиёзли кредит линиялари, грантлар ва бошқа инвестициялар ҳисобидан бериладиган ипотека кредитларининг миқдори тижорат банки ва ушбу халқаро молиявий институтлар ўртасида тузилган шартномалар шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бунда Ипотека кредитини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб этилган ресурслари ҳисобидан бериладиган ипотека кредитларининг миқдори қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

Шу билан бирга, қарз олувчи томонидан якка тартибда қуриладиган, реконструкция қилинадиган, сотиб олинадиган уй-жой ва кўп квартирали уйдаги квартира қийматининг 25 фоизи миқдоридаги пул маблағлари унинг номига банкда очилган жамғарма омонат ҳисобварағида жамғарилган бўлиши, якка тартибда қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорида қурилиш ишлари бажарилган ёки шу миқдорда қурилиш материаллари сотиб олинган бўлиши лозим.

Жамшид УМАРАЛИЕВ (Олтиариқ тумани):

— Ипотека кредитига тўланадиган устама фоиз қанча миқдорда бўлади?

Жавоб: — Агар у Ипотека кредитини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилаётган бўлса, фоиз миқдори йиллик 5 фоизни ташкил этади.

Тижорат банкининг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека кредити учун тўланадиган фоиз ставкаси банк ва қарз олувчи ўртасида имзоланадиган кредит шартномасига кўра белгиланади.

Халқаро ва хорижий молия институтларининг кредит линиялари, шу жумладан, имтиёзли кредит линиялари, грантлари ва бошқа инвестициялари ҳисобидан бериладиган ипотека кредитлари учун тўланадиган фоиз ставкаси тижорат банки ва ушбу халқаро молиявий институтлар ўртасида тузилган шартномалар шартларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

"Халқ сўзи" мухбири Саидолим ҲАЙДАРОВ тайёрлади.



Озодахоннинг эгизак қизалоқлари

Ёзёвонлик Пўлатовлар хонадони аъзолари бир йўла уч нафарга кўпайди. Оилада уч қиз — Фотима, Зухра ва Захро туғилди. Туман соғлиқни сақлаш бўлими томонидан чақалоқларга алоҳида ҳамшира бириктирилиб, уларнинг саломатлиги доимий назоратга олинган.

Қизалоқларнинг ота-онаси Расулжон ва Озодахон фарзандларининг соғлом ўсаётганидан хурсанд.

— Биз шифокорлар Мавлудахон Файзуллаева, Маҳфузахон Олимова ва ҳамшира Мавлудахон Ўринбоевалардан ғоят миннатдормиз, — дейди ёш ота Расулжон Пўлатов. — Ана шундай бағрикенг, ўз касбининг фидойилари бўлган инсонлар омон бўлишсин.

Бахтиёр ЖОЛЧУЕВ.

СУРАТДА: Озодахон эгизаклари билан.

Улуғбек УМАРОВ олган сурат.

Оқ йўл, «Исузу»!

Ўзининг 2750 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўраётган кўҳна ва навқирон Самарқанд иқтисодиётнинг турли жабҳаларида меҳнат ютуқларини қўлга киритиб, катта тантанани муносиб кутиб олиш тадоригини кўрмоқда.

SamAuto
SAMARQAND AVTOMOBIL ZAVODI



Бу борада айниқса, "СамАвто" автомобиль заводида тайёрланаётган "Исузу" русумидаги автобуслар мўъжаз, қулай ва ташқи кўриниши ғоят кўркамлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича бош директор ўринбосари Фахриддин Тўрақуловнинг маълум қилишича, ҳозиргача ушбу турдаги автобуслардан 50 таси тайёрланган. Келгуси йилда эса бу кўрсаткич 1000 тага етказилади.

СУРАТДА: "СамАвто" автомобиль заводи ишчиларидан бир гуруҳи.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Фарғонадан хабарлар

Қоражийда — Охунбобоев туманининг энг чекка қишлоқларидан саналади. Айни кунларда бу ерда 720 ўқувчига мўлжалланган иқтисодиёт коллежи қурилмоқда.

Қоражийдада иқтисодиёт коллежи

Шу йилнинг 1 октябрида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган ўқув даргоҳи қурилиши учун 2,6 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Коллежни тез ва сифатли қуриб беришни Марғилондаги 426-кўчма механизациялашган жамланма бунёдкорлари ўз зиммаларига олишган. Коллеж ишга туширилгач, Қоражийда ва унга ёндош қишлоқ ёшлари бир неча йўналиш бўйича касб-ҳунар эгаллайдилар.

Ҳадича КАРИМОВА.

Университетда "Маънавият хиёбони"

Фарғонада Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик бошлаб юборилди. Ўтган шанба куни байрамолди ҳашари уюштирилди.

Шу куни кўча ва хиёбонларга турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, дарахт ва буталарга шакл берилди. Вилоятнинг барча ҳудудлари ва корхоналарида ўтказилган ҳашардан тушган маблағ маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга сарфланади.

Оммавий ҳашар муносабати билан Тошкент Ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида хиёбон ташкил этилиб, унга гул ва дарахт кўчатлари экилди. Университет ҳудудига жойлашган ушбу масканни "Маънавият хиёбони" деб аталадиган бўлди.

Маъмура АБДУРАҲИМОВА.

Умринг узоқ бўлсин, Маъмуржон!

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Она учун фарзанд ҳамиша азиз. Гарчи ўғил-қизи ўсиб, улғайиб, вояга етиб, мустақил ҳаётга йўлланма олса-да, барибир кўнглини узолмайди. Тўрақўрғонлик Бусорахон ая ҳам фарзандларини турмуш ўртоғи Шарифжон ака билан оқ ювиб, оқ тараб камолга етказаётир. Тўнғичи Зафаржон оилали, ўзидан тинчиган, эл коригa яраяпти. Муҳаммаджон эса туман мудофаа ишлари бўлимида хизматда. Ўртанчаси Маъмуржон Ватан посбонлари сафида. Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари таркибида йигитлик бурчини сидқидилдан ўташга интиляпти.

Бусорахон бутун умрини туманда қишлоқ хўжалигини, хусусан, пиллачиликни ривожлантиришга бағишлаб келяпти. Шу боисдан ҳам ўртанчаси дунёга келганида яхши ният билан тўкинчилик, серобчилик бўлсин, дея Маъмуржон исмини қўйишганди. У акалари ортидан меҳнатсевар, аълочи ва фаол жамоатчи бўлиб камол топди. Эндиликда у ота-она ишончини муносиб оқлаётир. Ватан ҳимоячилари куни арафасида аскар йигит хизмат қилаётган қисм қўмондонлигидан ташаккурнома келди. Унда қуйидаги сўзлар мужассам эди:

«Ҳурматли Шарифжон ака ва Бусорахон ая! Сизларга шуни мамнуният билан билдирамизки, фарзандингиз Маъмуржон Раҳимов мустақил Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини ҳимоя қилишдек ўз Конституцион бурчини шараф билан ўтамоқда. У ўзининг ҳарбий хизмати давомида, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида юқори натижаларга эришмоқда, жамоат ишларида, ҳарбий қисмда ўтказилаётган мусобақаларда ва бошқа тадбирларда фаол қатнашмоқда. Ўзининг намунали ҳарбий интизоми ва хулқи билан сафдош дўстларига ибрат бўлмоқда.

Сизларга эл-юрт хизматига муносиб Ватан ўғлонини тарбиялаб вояга етказганликларингиз учун самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз...

Ҳурмат билан:

Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник М. ҒАФУРОВ».

Байрам-байрамга уланди. Мактуб нафақат оила аъзолари, қариндошуруғларни, балки меҳр-оқибатли девор-дармиён қўни-қўшниларни ҳам Тожиаҳмедовлар хонадонига чорлади. Ташаккурнома баҳона бир пиёла чой устида алламаҳалгача суҳбатлар қизиди.

Ҳа, армияни ҳаёт мактаби, дейишади. Хизматда бўлган йигитларда оиласига, Ватанига, меҳр-муҳаббат туйғуси синовдан ўтади. Айни пайтда ҳар бир аскарнинг иродаси тобланади. Ватанига, халқига муҳаббати шаклланади. Бир сўз билан айтганда, шу юртга муносиб ўғлон бўлиш кераклигини аскарликда теранроқ англайди. Буни Маъмуржон Раҳимов хизмати давомида кўриб турибмиз.

Абдунаби ҚОРАБОЕВ.



НАВРЎЗ ГАВҲАРЛАРИ: УДУМЛАРИМИЗ

Сумалак учун якка тартибда эмас, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла-кўй биргалашиб қозон осадилар. Сумалак ундирилганидан хабар топган уй бекалари сумалакка улуш, яъни ун қўшадилар. Бундан олдин ўзлари дастурхон тузаб гурунглашиб, кенгашиб, дийдорлашиб оладилар. Йигитлар катта қозон учун ўчоқ ўяди. Ўтин тайёрлайди. Аёллар енг шимариб эзғиловчи ускуналардан ўтказилиб, махсус ундирилган буғдойнинг сувини ажратиб олишади. Бу сувни улар сумалак сути деб аташади.

Сумалак — яхшилик оши

Ускунада эзғилинаётган буғдой туппасини тоза сувга чайиб, ўша сувни сумалак сутига қўшиб қозонга солинади. Сўнг керакли миқдорда ун ташланади. Демак, масаллиқ — тайёр. Ўчоққа олов ёқилиши билан Ҳайитгул момо капгирни қўлига олади. «Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим» деб қозонга капгир уради. Номозшомда ёқилган олов туни бўйи ўчмайди. Туни бўйи аёлларнинг қўлидан капгир тушмайди. Туни бўйи гап-гурунг узилмайди: матал айтадилар, эртак сўзлайдилар. Саҳар-саҳарга бориб таом пишади. Бир таомки, ранглари тонг шафағидай таъмию қуюқлиги асалдай.

Ҳайитгул момо ҳар кимнинг қўшган улуши — унига қараб сумалак сузади. Ўша куни эрталаб ҳамма ҳали ҳовури кўтарилиб турган сумалагу иссиқ патир билан нонушта қилади. Ширин дастурхон, илиқ баҳор ва эл-юрт аҳиллигини олқишлаб юзларига дуо тортади.

Сергапгина, қизиқувчан невара Наргиза бўлса Ҳайитгул момосини саволга тутади.

— Сумалак бунчалар ширин, қозонга кўп шакар ташлапсиз, — дейди.

— Йў-ўқ, болам, сумалакка шакар ташланмайди. Туз ҳам ташланмайди. Сумалакка ўз-ўзидан шундай таъм инади, — дейди момо.

— Қандай қилиб, — деб сўрайди невара.

— Сумалак — сехрли таом, — дейди момо. — Фотима бибимизнинг оши. Фотима бибимизми? — Пайғамбаримиз саллоллоҳи алайҳи васалламнинг қизлари. Фарзандлари бетоб бўлганида, буғдой ундириб пиширганлар. Сумалакдан тўйиб еган болалари тузалиб кетган.

— Сумалакни нега кечаси пиширасизлар?

Уйқудан қолиб...

— Удум-да бу, — дейди момо кулиб. — Кечаси пиширилганда қозон осилган хонадонга яхшиларимиз меҳмон бўлиб келармиш. Сумалакдан татиб кўрармиш. Ўчоқ бошидагиларнинг орзу-ниятларига фатво берармиш...

— Сумалакнинг сутини ичса бўлаверадими? — деб сўрайди яна невара.

— Ундирилган буғдойни яхшилаб тозаламоқ керак, — дейди момо. — Унмаган донолари териб ташланмаса, у пўла бўлиб, безнаб, сутнинг таъмини бузади. Сумалакнинг сути, болам, она сути қатори тоза, сехрли. Қирқ дардга даво. Грипп-припп деганларинг бор-ку, шу балоларни ювиб юборади.

Мактаби эсига тушган Наргиза дик этиб ўрнидан туради.

— Наргизим. Бодом гуллигим. Замонанг ойдин, пешонанг ёрқин бўлсин. Ҳамиша яхшилар қўлласин, илойим, — деб Ҳайитгул момо юзига дуо тортади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Бразилия бир поғона пастлади

Бразилия терма жамоаси сўнгги 55 ой мобайнида илк бор ФИФА рейтингида биринчиликни бериб қўйди.

Эсингизда бўлса, Бразилия терма жамоаси шу йилнинг 6 февралида (0:2) Португалияга имкониятни бой берганди. Бу ўз навбатида 48 рейтинг очко йўқотилишига олиб келди. Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари рейтингда эллигинчи ўринни банд этган.

ФИФА рейтингида кучли учлик қўйидагича кўриниш олди: Италия, Бразилия, Аргентина.

Мария Шарапованинг саховати

Россиялик машҳур теннисчи Мария Шарапова БМТнинг яхши ният элчиси этиб тайинланганидан хабарингиз бор.

Куни кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида ўтган йиғилишда теннисчи илк хайрия ишларига 100 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлашини маълум қилди. Бу маблағ Чернобиль АЭС фожиаси туфайли жабр кўрганларга ёрдам сифатида берилади.

Маълумки, Мария Шарапованинг аждодлари Чернобиль минтақасида яшаган. 1986 йилда юз берган фожиадан сўнг, унинг оиласи Беларуснинг нурланишдан зарар кўрган Гомель шаҳридан Сибирга кўчиб кетишга мажбур бўлганди.

19 ёшли спортчи бошқа хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этишни мақсад қилиб қўйган.

Бугунги кунда Роналдо (Бразилия), Зайниддин Зидан (Франция) ва Дидье Дрогба (Кот-д' Ивуар), каби машҳур спорт юлдузлари ҳам БМТнинг яхши ният элчилари ҳисобланишади.

Шерзод синовдан яхши ўтмоқда

Профессионал боксда ўз омадини синаб кўраётган ҳамюртимиз Шерзод Назаров иккинчи рейтинг жангини ҳам муваффақиятли якунлади.

У тўрт раундлик жангда россиялик боксчи Анатолий Любаньскийни катта устунлик билан мағлубиятга учратди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Пахта Банк»да

янги

«Ҳимоя» ҳамда «Талаба»

жамғарма омонат турлари жорий этилди.

Омонатларнинг сақлаш муддати — 6 ой ҳамда 1 йил бўлиб, исталган вақтда омонатингизга қўшимча қилишингиз мумкин.
Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади ва сиз омонат учун ҳисобланган фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

Ҳурматли фуқаролар, муҳтарам талаба ёшлар маблағингизни ишончли қўлларда сақланг ва кўпайтиринг.

Омонатингизни ишончли сақлашга ва кўпайишига кафолат берамиз! Сизларга тезкор ва сифатли банк хизматларини кўрсатишдан бағоят хурсандмиз.

Омонатга қўйилган маблағингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан ҳам кафолатланганлигини унутманг.

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик М.С.Содиқов номли Биоорганик кимё институти жамоаси институт директори кимё фанлари доктори, профессор Аббосхон Тўраевга волидаи муҳтарамаси

ТУРСУНХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси Қурилиш конструкциялари, кўприклар ва иншоотлар кафедраси доценти Ўсарқул Раҳмоновга падари бузруквори

ЭШОНҚУЛ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Биржа» республика иқтисодий газетаси ЁАЖ жамоаси газета мухбири Рихсибой Каримов ва оила аъзоларига волидаи муҳтарамаси

МУҚАДДАМ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, халқ таълими бошқармалари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма корхоналар раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йилида институтнинг барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришмоқда.

Институтда билим олган бакалавр ва магистрлар кенг қамровли назарий билимлардан ташқари замонавий техника ва технологиялар билан яқиндан таниш бўлиб, ёшлар билан ишлаш малакасига ва тажрибасига эга, ҳар томонлама етук, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берувчи юқори даражадаги мутахассислардир.

Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган таълим муассасалари, корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат этишлари мумкин. Талабномангизни 2007 йил 20 майгача тақдим этишингизни сўраймиз.
Сизнинг эътиборингизга битирувчиларнинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича тақсимотини илова қиламиз.

Маълумотлар учун телефонлар: 223-01-94, 223-01-98.
Факс: 224-48-17.
E-mail:nmpia@uzpak.uz,
WWW.http:// nammpi.uzpak.uz

Манзилимиз: Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳкўчаси, 12-уй.

Наманган муҳандислик-педагогика институтини 2006-2007 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар ҳақида маълумот

Т/Р	Таълим йўналишлари	Жами		Наманган вилояти																						Андижон вилояти														Фарғона вилояти								Бошқа вилоятлар			
				Наманган шаҳри		Наманган тумани		Чуст тумани		Косонсой тумани		Уйчи тумани		Норин тумани		Янгиқўрғон тумани		Учқўрғон тумани		Поп тумани		Чортоқ тумани		Тўрақўрғон тумани		Мингбулоқ тумани		Андижон шаҳри		Пахтаобод тумани		Балиқчи тумани		Шаҳрихон тумани		Избоскан тумани		Олтинкўл тумани		Андижон тумани		Бўз тумани		Улуғнор тумани		Фарғона шаҳри		Бувайда тумани		Қува тумани		Учқўприк тумани		Қарши шаҳри		Тошкент шаҳри	
		Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш
1.	Касб таълими (электр энергетикаси)	20	23	2	6	2	4				1	1		1	2	4	1		1		2	6	3	3	1					1			1						1															
2.	Касб таълими (информатика ва ахборотлар технологияси)	29	55	4	5	1	6	1	3	1	3	3	3	1		2	8	2	3	2	6	4	7	4	8	3	1																					1		1			1			
3.	Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит)	9	33	2	3		1		6		4	2	3				1	1	4		4	1	1	2	4							1	2										1										
4.	Касб таълими (молия)	10	28	1	5			1	6		3	2			1		4	3	3		2			2	1							1	3																					
5.	Касб таълими (технологик машиналар ва жиҳозлар)	15	11		2	1	2							1						4	3		2	7	2	1											1																
6.	Касб таълими (транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш)	22	29	1	4			4	5	1		1	2	4	3	1	2	3	2	2	1	2	3	2	4		1							1								1				1								
7.	Касб таълими (агроинженерия)	16	8						3	2		2				2				2	2	2	1	6	1		1																											
8.	Касб таълими (бинолар ва иншоотлар қурилиши)	17	5	7	2	1										3	1				1		1	3						1		2																						
9.	Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши)	20	9	3	1	1		1	1			2	1	2	1	3	1	1	1	2	2			5																		1												
10.	Касб таълими (озиқ-овқат технологияси)	33	19	10	7				1	1	1	2	2	2		1	1	13	3	2	1	1	2	1	1																														
11.	Касб таълими (кимёвий технология)	11	6	1		2		1						1	1	1	1	1	2		1	1	1	2																												1			
12.	Касб таълими (машинасозлик технологияси)	8	3	7					2														1	1																														
13.	Касб таълими (нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси)	13	8	2		1			1	1						2		3		2	4	1	2					1				1																						
14.	Менежмент	19	33	4	6				6	1	2	1	4			2	1	4	5	1	4	1	1	1	2		1			1			1										1								2			
15.	Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш	20	22	2	1			1	4	1	1	1	1	3			1	1	2	3	3	1	3	6	3		1					1	2																					
16.	Агроинженерия	14	7	2			2		1		1	2						2	1	2			1	6	1																													
17.	Технологик машиналар ва жиҳозлар	13	7	2	1				1	1		1					1	2	2	2		1		2	1							2	1																					
18.	Машинасозлик технологияси	3	2	1														1	1		1											1																						
	Жами	**292**	**308**	**51**	**43**	**9**	**15**	**9**	**40**	**9**	**16**	**20**	**16**	**15**	**8**	**21**	**23**	**37**	**30**	**24**	**37**	**21**	**29**	**53**	**29**	**4**	**5**	**1**	**1**	**2**		**8**	**11**	**1**		**1**			**1**		**1**		**3**		**1**					**1**		**1**	**2**		**2**			

Наманган муҳандислик-педагогика институтини 2006-2007 ўқув йилида битирувчи магистрлар ҳақида маълумот

Т/Р	Таълим йўналишлари	Жами		Наманган вилояти																						Андижон вилояти														Фарғона вилояти								Бошқа вилоятлар			
				Наманган шаҳри		Наманган тумани		Чуст тумани		Косонсой тумани		Уйчи тумани		Норин тумани		Янгиқўрғон тумани		Учқўрғон тумани		Поп тумани		Чортоқ тумани		Тўрақўрғон тумани		Мингбулоқ тумани		Андижон шаҳри		Пахтаобод тумани		Балиқчи тумани		Шаҳрихон тумани		Избоскан тумани		Олтинкўл тумани		Андижон тумани		Бўз тумани		Улуғнор тумани		Фарғона шаҳри		Бувайда тумани		Қува тумани		Учқўприк тумани		Қарши шаҳри		Тошкент шаҳри	
		Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш
1.	Касб таълими (технологик машиналар ва жиҳозлар)	3	2	1					1		1	1												1																															
2.	Касб таълими (кимё технологияси)	2						1				1																																										
3.	Касб таълими (озиқ-овқат технологияси)	3	5	2	3	1													1		1																																	
4.	Касб таълими (молия)	3														1				1						1																													
5.	Касб таълими (бинолар ва иншоотлар қурилиши)	2	3	1	1								1			1							1																															
6.	Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши)	3		1						1								1																																				
7.	Касб таълими (электр энергетикаси)	2	2		2	1				1																																												
8.	Касб таълими (информатика ва ахборотлар технологияси)	3	7		3			1	1		1	1		1			1									1																												
9.	Касб таълими (транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш)	3	3						1	1		1	1			1	1																																					
10.	Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)	3	3	1									1							1	1			1	1																													
11.	Менежмент	3	4	2	1		1	1	1												1																																		
12.	Машинасозлик технологияси	3	1	1	1																	1																															1		
	Жами	**33**	**30**	**9**	**11**	**2**	**1**	**3**	**4**	**3**	**2**	**4**	**3**	**1**		**3**	**2**	**1**	**1**	**2**	**3**	**1**	**1**	**2**	**1**	**1**	**1**																													

ЯХШИЛАР ЁДИ

Андижоннинг дилкаш ва дилбар шоири Усмонжон Шукуров ҳаёт бўлганида бу йил ўзининг олтмиш бир ёшини қаршилаётган бўларди. Афсуски, бутун умрини халқининг, миллатининг маънавий хазинасини бойитадиган асарлар яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга бағишлаган шоирга бу қутлуғ кунларга етиб келиш насиб этмади.

УСМОНЖОН АКАНИНГ БОҒИ

Кўпчилик учун маданиятли, маънавиятли инсон тимсолига айланган юксак дидли, нозик таъб шоир умрини хайрли ишларга бахшида қилди, ортиқча ҳою-ҳавасларсиз камтарона ҳаёт кечирди. Қўлига умид билан қалам тутган ижодкорларга ҳурмат ва ҳайриҳоҳлик билан қараб, кўпларининг илк китоблари чоп этилишига раҳнамолик қилди. Унинг бутун — бойлиги шеърлари, достонлари, китоблари ҳаётлик пайтидаёқ мухлислар мулкига айланиб улгурган эди. Ўзи туғилиб ўсган юрти ҳақида «Бобурмирзо севган қишлоқ» номли китоб яратди. «Андижон шоир ва ёзувчилари» номли китобни нашрга тайёрлаб, чоп эттириб, вилоятда туғилган юзга яқин катта-кичик қалам соҳиблари ҳақида мухтасар маълумотлар ва уларнинг ижодидан намуналарни китобхонлар оммасига етказишдек ишни амалга оширди. Вилоят марказида «Ҳаёт» нашриётини ташкил этиб, умрининг охиригача унга раҳбарлик қилди. Унинг ташкилотчилиги ва раҳбарлигида бу ерда кўплаб бадиий, илмий, илмий-оммабоп китоблар чоп этилиб, ўқувчилар қўлига етди.

Самимий хуш чеҳраси, беозор муомалалари, ширин сухбатлари боис қондош жигарлардек қадрдон бўлиб кетган гурунгдош дўстлари, укалари даврасида Усмонжон аканинг ўрни билиниб туради. У мақтанишни хуш кўрмасди. Бировнинг кўнглига озор бермасди, беролмасди — унинг табиати шунақа эди.

Сўз қилич каби, лек
Кўринмас тиғи,
Сўз олдида ожиз
Номард милтиғи,
Сўз берар шодликни
Дунё беролмас,
Тузалмас сўз солган
Дилнинг оғриғи,

деб ёзган эди у. Шунинг учун ҳам нафақат ижодда, балки оддий ҳаётий мулоқотларда ҳам ҳар бир сўзни ҳассослик билан ўрнига қўйиб ишлатар эди.

Яна бир хислати — дарду дилини очиши қийинроқ эди. Балки шунинг учун ҳам дўсту ёрлари яқиндагина даврларга файз киритиб юрган ажойиб инсонни не дард бунчалик кутилмаганда олиб кетганини англаёлмай қолдилар. Юрагидаги дардларини ҳам, армонларини ҳам ҳеч кимга юк қилгиси келмай, ўзи билан олиб кетди у.

Кўпинча таниқли грузин адиби Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» асарини эслайман. «Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баравар оғирроқ. Шу даражада оғирки, уни бир киши кўтаролмайди, — дейди асар қаҳрамони. — Бинобарин, биз одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам бериш



шимиз, бир-биримизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак: сиз — менга, мен — унга, у эса бошқа бировга. Шу тариқа узлуксиз давом этиши лозим». Буюк адиб кашф этган бундай инсонийлик қонунини ҳамиша ҳам, ҳаммамиз ҳам англаб етавермаймиз. Англаб етганимизда эса кўпинча кеч бўлган бўлади. Албатта, умр ўлчоғлик, ҳар нарсанинг сиру синоати Яратганнинг ўзига аён. Лекин ўзи берган ақлу идрок ила ҳаётдан сабоқ олиб, хулоса чиқармоқ, атрофимиздагиларни тириклигида қадрлаб, суяб, суяниб яшашни ўрганмоқ ҳам фойддадан холи бўлмайди.

Йўқотиш қанчалар кутилмаган ва оғир бўлса-да, кўнгилга таскин берадиган бир нарса бор. Бу шоирнинг нисбатан қисқа умри давомида қолдирган йигирмадан ортиқ чоп этилган китоблари ва яна анча қўлёзмалардан иборат баракали ижодий мероси. Ана шу меросни авайлаб асраш, ўрганиш, чоп этиш йўли билан ундан тобора кўпроқ одамларни баҳраманд қилиш ишига мутасадди ташкилотлар, адабий жамоатчилик эътиборини жалб этиш ҳам таниқли шоиримиз хотирасига бўлган эҳтиромимиздир.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев (жойи жаннатда бўлсин) таъкидлаганидек, Усмонжон Шукуров ўз элининг орзу-армонларини қуйлашни, мустақиллик мадҳини, замондошларини меҳнати, муҳаббатини тараннум этишни, азиз халқи бахти, камолотини қаламга олишни қалб бурчи, виждон иши деб тушунди ва бир умр ана шу эътиқодига содиқ қолди.

Шоирнинг
Ватансиз кимсага чексиз,
Поёнсиз бу жаҳон тордир,
Жаҳонда неча бир зотлар,
Ватан тупроғига зордир,
Ватан, бу тандаги жондир,
ғурур, номус ила ордир,
Менга озоду ҳур, мағрур,
Менга обод Ватан ёрдир,
Менинг қалбимда
шу гулшан —
қиёси йўқ Ватан бордир,

каби сатрлари ватанпарварлик мадҳи бўлиб янграйди.

Элимизда боғ яратган одамга вафотидан кейин ҳам савоб ёзилиб туради, деган гап бор. Чунки ўша боғнинг меваларидан кўпчилик узоқ йиллар баҳраманд бўлади. Бундан ўн йил аввал чоп этилган китобини «Куйлаётган боғ» деб атаган эди раҳматлик. Усмонжон акадан қолган маънавий боғ ҳамон куйлаб турибди. Бу боғнинг сархил мевалари билан юртдошларимиз руҳларини озиқлантирмоқдалар.

Ана шу маънавий хазинадан баҳраманд бўлаётган минглаб мухлисларнинг эътирофлари ва дуолари боис устознинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин.

Ҳаёт йўлга ўхшайди

Ён дафтардан

Инсон ҳаётини ҳам, жамият ривожини ҳам олам мавжудлигининг тўрт унсурларидан бири сувга, сувнинг ҳаракатига ўхшатаман. Кўлмак сув осон ифлосланади. Оқар сувда эса табиий тозаланиш жараёни кечади. Инсон ҳам тинимсиз ҳаракат билан гуноҳлардан фориғ бўлиб, савобларини кўпайтириб бормоғи керак. Жамиятнинг ҳаракатини ҳам сувнинг оқимига қиёс қилсак, ҳар биримиз унинг бир томчисидек ҳаракат қилмоғимиз, сув юзидаги хас-хашак ёки кўпикка айланиб қолишдан сақланмоғимиз лозим.

* * *

Инсон жисмини, танасини озиқлантириши учун овқатланиши қанчалар зарур бўлса, руҳини озиқлантириши учун билим, ахборот ҳам шунчалик муҳим. Ана шундай руҳни озиқлантирувчи манбалардан бири китобдир. Унинг ўрнини бошқа нарса билан тўлдириб бўлмайди.

* * *

Афанди бир жойдан дарвоза олиб қочибди. Орқасидан эгаси қувлаб келаётган экан, дарвозани катта йўлнинг ўртасига қўйиб «ичи»дан қулфлаб олибди. Ҳалиги одам ён томонидан ўтиб бир тарсаки туширса, Афанди, «Ие бу ёқда ҳам дарчаси бор эканми?» — дермиш.

Айрим жойларда халқ мулкини талон-торож қилиш ва ташмачиликка қарши кураш ишлари ҳам кўча ўртасига ўрнатилган дарвозани эсга солади.

* * *

Таъзия маросимларида, хотира тадбирларида марҳумлар ҳақида айтилган айрим гапларни тинглаб, шу фикрлар унинг тириклигида айтилса умри узоқроқ бўлармиди, деб ўйлаб қоламан.

* * *

Дунёда ҳамма нарса нисбий. Бизнинг одамларга, уларнинг хатти-ҳаракатларига муносабатимиз ҳам. Ўзимиз ёқтирадиган кимса кўпроқ қулиб юборса «жуда ҳушчақчақ одам, бир гапириб ўн қулади-я» деб мақтаймиз. Ёқтирмайдиган одамимизни худди шундай қилмиши учун «бўлар-бўлмасга куйдирган калладай тиржаяверади», деб таърифлаймиз. Қўполроқ гап қилган муҳолифни «одобсизлигини қаранг, оғзидан боди кириб, шоди чиқади-я» деймиз. Хушлайдиган одамимизни эса баъзида ундан баттароқ гапи учун «жуда дадил йигит-да, болахонадор қилиб сўкади-я, азамат» деб мақтаб қўямиз.

* * *

Олис манзилни кўзлаб йўлга чиққан кимса йўлида азим чинорлар, алпдек теракларга ҳам, ўтиндан бошқага ярамайдиган қинғирқийшиқ ўсган дарахтларга ҳам, кўриб дилинг яшнайдиган гуллару кўзингни олиб қочсанг бадбўй ҳиди кўнгилни беҳузур қиладиган сассиқ алафга ҳам дуч келиши мумкин. Ҳаёт ҳам бир йўл. Унда турфа хил одамларга дуч келасан.

GURUNG

ШОҲИМАРДОН МУШОИРАСИ

Қобил МИРЗО:
Шоҳимардонда бу кун жам
бўлди дўсту ёрлар,
Шоиру олим, муссаввир,
аҳли ишқ бедорлар.
Гулбаҳор оромгоҳида базми
жамшид қурдилар,
Куйлашиб «Ушшоқ»у «Дугоҳ»,
айтдилар ашъорлар.

Фарид УСМОН:
Шоҳимардон бир гўзалдир, унда гўёки ҳаё,
Теграсида қоялардан тоғ деган деворлар.
Шу сабабданми у ҳақда ҳар
йили ёз вақтида,
Ўзбекистонда бўлиб ўтгай
ширин гуфторлар.

Ҳабиб СИДДИҚ:
Пурвиқор тоғ, шарқироқ
сой дилга ҳайратлар солиб,
Ҳар тирик жонки яратган
шукрини такрорлар.



ҚОСИМИЙ :
Бўсалар олгай булутлар
чўққилардан гоҳ-гоҳ,
Рашк этиб бундин,
кўзидан тўкди ёшин қорлар.

Обидхон БАКИРОВ:
Ол қаламни, Обидхон,
чизгин табиат суратин,
Бу элинг, авлодларингга бўлғуси даркорлар.

Мўмин САТТОР:
Аҳли шеърлар бор бисотин
оқ қоғозга солгани,
Баҳри байт қилмоққа ўзни
қилдилар меъморлар.

Абдуғулом АБДУҒАНИ:
Келдилар манзурнафас Гулнор,
Дилоромхон опа,
Қилдилар, хуш давраларда
санъатин ошкорлар.

Ҳабиб СИДДИҚ:
Хушчирой, ҳушқад,
хушовоз нозанинлар куйлагач,
Даврадошлар чин юракдан
бўлдилар хушторлар.

Абдуғулом АБДУҒАНИ:
Маст бўлар эрди қўшиқдин еру осмон,
тоғу тош,
Баҳра олмай бу базмдан
қолди кўп ночорлар.

Қобил МИРЗО:
Жаннат ул маъвони кўрди
шунда Мирзо, дўстларим,
Келгуси йил ҳам ўзига барчамизни чорлар.



ДОНИШМАНДЛАР КУЛГИ ВА ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА ҲАҚИДА

Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,
Бир ботмон қанддан ҳам билгил яхшироқ.
Шакардан топади маза оғиз, тил,
Кулгудан топади лаззат руҳи дил.

Абдураҳмон ЖОМИЙ

Кулгуки ўз ҳаддидан ўлди йироқ,
Йиғламоқ ондин эрур кўп яхшироқ.

Алишер НАВОИЙ

Табиатнинг инсонга ато этган буюк неъматларидан бири юмордир.

Герман КАНТ.

Кулги мисоли офтоб: у инсон юзидан қиш қаҳрини олиб ташлайди.

Виктор ГЮГО.

Ҳазил катта куч. Ҳеч нарса одамларни чинакам беозор кулгидек яқинлаштира олмайди.

Лев ТОЛСТОЙ.

Одамларнинг ҳақиқий характери кулгандагина чинакам намоён бўлади.

Иоганн ГЁТЕ.

Ҳазил — ҳордиқ бўлгани учун ҳам асабларни мулойимлаштиради.

АРАСТУ.

Ҳазилни тушунмаслик — нодонлик аломати.

Убайд ЗАКОНИЙ.

Одатда одамнинг кимлигини нимадан кулаётганига қараб билса бўлади.

Уилсон МИЗНЕР.

Ҳазилни ҳам тузга ўхшаб меъёрида ишлатиш керак

ПИФАГОР.

Саҳифани андижонлик ёзувчи Ҳабиб СИДДИҚ тайёрлади.

МУСТАҚИЛ ФИКР

(ҳажвия)

Корхонамизда «шов-шув» гаплар пайдо бўлди: юқоридан нуфузли комиссия келаётган эмиш. Ходимларнинг мустақил фикрларини ўрганиш зарур бўлиб қолибди. Дастлаб мустақил фикрларимизни ёзма равишда тақдим қилар эканмиз. Иккинчи босқичда шу фикрларимизни исботлаш учун ҳар биримиз минбарга чиқиб ваъз айтар эмишмиз.

Эшитиб хурсанд бўлиб кетдим. Бизнинг фикримиз билан ҳам қизиқадиганлар бор экан-ку. Ўша куниёқ хонанинг эшигини бекитиб олиб, мустақил фикрларимни қоғозга тиркадим. Ўқиб кўриб ўзим ҳам яйраб кетдим: унча-мунча комиссиянинг оғзи очилиб қоладиган бўлдиёв. Корхонамиздаги аҳволни таҳлил қилиб астар-аврасини очиб ташладим. Ҳаммаси зўр чиқди. Бироқ, бунақа гапларни томдан тараша тушгандек қўққисдан айтиб балога қолмасмикинман?.. Шунақа мулоҳазалар билан иш кунининг охирида бўлим бошлиғимизнинг хонасига аста мўраладим. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, мустақил ёзганларим жойланган папкани қўлтиққа маҳкам қисганча кириб бордим. У ҳам мустақил фикрларини ёзаётганмикан, билмадим, столи устидаги қоғозларни шошибгина йиғиштириб тортмага солиб қўйди.

— Фикрларингиз чакки эмас, — деди у ёзганларим билан танишиб чиққач ўйланиброқ, — Лекин сал «рандалаш» керакмикин. Ахир, ўзбекона риоя, андиша деган гаплар бор, ука!

Унинг айтганини қилиб мустақил фикрларимни анча силлиқладим. Чунки, ёши улуғ, тажрибали одам бир нимани билмаса гапирмайди-да.

Кечқурун уйда мустақил фикрларим ҳақида мақтаниб қўйиб балога қолдим.

— Эсингиз жойидами? — деди хотиним ҳайратланиб. — Сизга ким қўйибди, бунақа катта кетишни. Нима бўлганда ҳам корхонада ғимирлаб юриб бола-чақа боқяпсиз. Тинчгина индамай юраверинг. Нима қиласиз, бошингизни арининг уясига тиқиб?..

— Иложи йўқ аяси. Мустақил фикр айтиш мажбурий экан. Кетидан аттестация ҳам ўтказилади, ўша фикрларингиз баҳоланади дейишяпти.

— Ана кўрдингизми, унда тем более эҳтиёт бўлиш керак экан. Ўйнашмагин арбоб билан дейдилар-ку!..

«Маликаи дилозор» мустақил фикрларим қанақа бўлиши кераклиги ҳақида маслаҳатларини тўкиб солгач, унинг пурмаъно кўрсатмаларига амал қилиб ёзганларимни жиддий таҳрирдан ўтказдим.

Эртасига ишхонага саҳарлаб етиб келдим. Касаба уюшма қўмитаси раисининг хонасидан қандайдир овоз эшитиларди. Астагина кирсам, у киши одатига хилоф равишда, дўпписини ечиб бўйинбоғ тақиб, қўлида бир варақ қоғоз билан тошойнанинг олдида турибди. Мени кўриб шошиб қоғозни тахлаб чўнтагига солиб қўйди, ўнғайсизланиб тепакал бошига уринибгина дўпписини қўндирди. Чамаси, мустақил фикрларини айтишни кўзгуга қараб машқ қилаётган экан, шекилли. Бечоранинг аҳволини кўриб шунақа комиссияни ўйлаб топганларни ҳам бўралаб сўкиб юборай дедим. Умри давомида мустақил фикр деган нарсани тушида ҳам кўрмаган айрим бечоралар ўзларини қийнаб чиранавериб юрак хуружига ёки руҳий хасталикка чалиниб кетмаса деб қўрқаман-да. Ахир, баъзи масъул одамлар учун мустақил фикрлар билан ишлаш симдорнинг устида лангарсиз юришдан ҳам ваҳималироқ-ку!..

Коридорда режалаштириш бўлими бошлиғи мени бир четга тортди.

— Бошбух иккаламизниям мустақил фикрларимизни ёзиб беринг. Бизда унақа ишларга вақт қаёқда.

— Майлику-я, лекин сизларнинг фикрингизни мен қаёқдан биламан?

— Э-э, қизиқмисиз, ака? Ҳалиги ашула бор-ку: «Сизнинг айвон бизнинг айвон эмасму?» — деган. Фикрлар ҳам шунақароқ-да. Хўп, деяверинг, чорак якунида мукофотни накд қиламиз.

«Саломинг бўлмаса икки ямлаб бир ютардим», дегандай мукофот ҳақидаги гапи бўлмаса, бу нусхага борадиган томонини кўрсатиб қўярдим-а. Бироқ, «эрийман» деб турган одамни ранжитиб қўйсак, хуржунимизга зиён бўлмасин, дея рози бўлдим. Лекин аввал ўзимникини бир ёқлик қилиб олай-чи. Шу мақсадда фикрларимни бошлиқ муовинига кўрсатиб олмоқчи бўлдим. Ҳойнаҳой хурсанд бўлиб кетса керак деб ўйловдим.

— Ўзингиз ёздингизми?.. Мустақил фикрларни-я? –деди у таажжубланиброқ. –Бизнинг корхонадаги одамларга бунақа нотаниш атамаларни тушунтириш учун «Ижтимоий фикр маркази»дан вакил чақиртириб, маслаҳатлар ташкил қилишга тўғри келармикин деб ўйловдим. Ана шундан кейин муовин қўлёзмамни ўқир экан «ие, ие» деб қўйди-ю, аста дами ичига тушиб кетди.

— Ҳа майли, — деб қўйди у охири чайналибгина. — Лекин, яна бир ўйланиб, кўриб чиқинг, ука. Тўғри гапириб туққанингга ёқмайсан, деган гаплар борку, ахир!

Дарвоқе, бу гапларда жон борга ўхшайди. Энди, мустақил фикр айтиш керак экан деб ҳамма нарсани остин-устин қилиб ташлаш шартми?.. Фикрларимни қайтадан элакдан ўтказиб, яна бир бошдан ёзиб чиқдим. Айрим раҳбарларнинг кўполлиги ва манмансираганлиги ҳақидаги гапларни талабчанлик ва жиддийлик деб ўзгартирдим. Корхонамизда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик урчиб кетгани ҳақидаги ҳолларни ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик деб изоҳладим. Ҳисобчининг девонхонадаги эри йўқ хотин билан дон олишиб юриши тўғрисидаги фикрларни бева-бечораларга мурувват кўрсатишга тенглаштириб қўя қолдим. Хўжалик мудирининг давлат мулкини талон-тарож қилиши ҳақида ёзганларим унинг оилапарварлиги, рўзғорини бут қилиш учун елиб-югуришини таърифлашлар билан алмашди. Бунга қаршилик кўрсатмоқчи бўлган қоровул-поровулларни боплаб танқид қилиб ташладим.

Шунга ўхшаш тузатишлардан кейин ёзганларим рисоладагидай бўп қолди, шекилли. Лекин, барибир таомилга кўра бирров биринчи муовиннинг олдидан ўтиб қўйганим маъқулдир. Маслаҳатли тўй тарқамас, дейдилар-ку.

У киши қўлёзмамни одатдагидек, эринмасдан кўзойнагини тақиб, қизил ручкасини олиб ўқувчининг ёзма ишини текшираётган муаллимдек тузатиб чиқди. Мустақил фикрларим ҳам пати юлинган товуқдек бўлиб қолди. Аввалига сал ранжигандек бўлдим. Кейин ўйлаб ўзимни босдим. Чунки, бу одам бежиз мана шу курсида ўтирмайди. Оқу қоранинг фарқига боради, корхонанинг пасту баландини билади. Шуларни ўйлаб қўлимни кўксимга қўйиб миннатдорчилик билдирдим.

— Буларни сал эпақага келтиргач, — деди биринчи муовин чиқишга чоғланаётганимда, — бирров ўзларининг олдидан ўтиб кўйинг. Ҳар қалай, ёшсиз, ўсадиган кадрсиз.

Кутилмаган бу гаплардан кўнглим тоғдек кўтарилди. Котибага эртага шоколад олиб беришни ваъда қилиб, мустақил фикрларимни компьютердан чиқартириб олдим.

— Шоколадни иккита олиб келаверинг, — деди котиба сузилиброқ. — Шеф кўргандан кейин бунингизни яна қайтадан тузатиб чиқарамиз. Ҳамманикини шунақа қилаяпмиз.

Шундагина эътибор бердим. Қабулхонада анчагина одам тўпланиб қолибди-ку. Ҳойнаҳой, мустақил фикрларини тасдиқлатиб олиш учун навбат кутишаётгандир-да. Ҳузурларидан чиққач кадрлар бўлимига ҳам бош суқиб ўтиш керакмикин? Ҳар қалай мустақил фикрларимизга муҳр ҳам бостириб олсак, ишончлироқ бўладими дейман- да.

Ана шунақа гаплар, ошна. Ҳализамон ўша нуфузли комиссия аъзолари келиб қолишса, ҳаммамизнинг мустақил фикр билан ишлаётганимизни кўриб оғизлари ланг очилиб қолса ажаб эмас.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 20.40 Топширилди — 21.25 23456